

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш натижаларига оид МАЪЛУМОТЛАР

1. Тартибга солиш усулининг таъсир доираси

Истеъмол кредитининг объектлари — бу жисмоний шахсининг (истеъмолчининг) тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ва шахсий эҳтиёжларини қондириш учун сотиб олинadиган товарлар, ишлар ёки хизматлардир. Жумладан:

- Истеъмол товарлари: маиший техника, мебеллар, смартфон ва бошқалар.
- Истеъмол ишлари ва хизматлари: таълим (ўқиш учун тўлов), даволаниш, дам олиш (сайёҳлик), уй-жойни таъмирлаш ва бошқа маиший хизматлар.

Истеъмол кредитининг субъектлари эса истеъмолчи ва кредит берувчи ташкилотлардир.

Истеъмолчи — Ўзбекистон фуқароси, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган жисмоний шахс.

Рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, **2023-2025 йилларда 1,06 млн.**дан ортиқ фуқаро банклар ва нобанк кредит ташкилотларидан молиявий истеъмол кредити олган (*1-жадвал*).

1-жадвал

Т/р	Йиллар	Молиявий истеъмол кредити олган шахслар сони, шундан:	
		банклар	нобанк кредит ташкилотлари
1	2023 й.	572 310	78
2	2024 й.	231 199	203
3	2025 й.	264 628	106

Кредит берувчи ташкилотлар қуйидаги турларга бўлинади:

- Банклар;
- Нобанк кредит ташкилотлари;
- Ишлаб чиқарувчи ташкилотлар;
- Реализация қилувчи ташкилотлар.

Молиявий истеъмол кредити

Молиявий истеъмол кредити берувчи ташкилотлар ўз навбатида қуйидаги турларга бўлинади:

Банклар — истеъмол кредити бозорининг асосий иштирокчилари бўлиб, улар жисмоний шахсларга кенг кўламли хизматларни таклиф этади. Банклар одатда

энг паст фоиз ставкаларини тақдим этади, бироқ мижознинг тўлов қобилияти ва кредит тарихига нисбатан қатъий талаблар қўяди. Улар кредит маблағларини нақд пулсиз шаклда сотувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш ёки мижознинг банк картасига молиявий истеъмол кредити сифатида ажратиш ҳуқуқига эга;

Нобанк кредит ташкилотлари — бу гуруҳга микромолия ташкилотлари ва ломбардлар киради. Уларнинг асосий устуворлиги — кредит ажратиш тезлиги ва ҳужжатларнинг камлигида (кўпинча фақат паспорт талаб қилинади). Фоиз ставкалари банкларга нисбатан юқорироқ бўлса-да, улар банкдан кредит олиши қийин бўлган ёки кичик миқдордаги маблағга тез эҳтиёж сезган аҳоли қатлами учун қулай ҳисобланади;

Ҳозирги кунда республикада мавжуд банк ва нобанк кредит ташкилотларидан **35 таси** молиявий истеъмол кредитлари тақдим этмоқда (2- жадвал).

2- жадвал

Т/р	Йиллар	Молиявий истеъмол кредити берувчилар сони	
		банклар*	нобанк кредит ташкилотлари**
1	2023 й.	29	2
2	2024 й.	29	3
3	2025 й.	29	6

Истеъмол кредити бозорининг асосий иштирокчилари бўлган тижорат банклари, шунингдек, микромолия ташкилотлари ва ломбардларни ўз ичига олувчи нобанк кредит ташкилотлари фаолияти бевосита **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки** томонидан назорат қилинади. Марказий банк ушбу субъектларга лицензия бериш, пруденциал нормативларни белгилаш ва кредит ахбороти алмашинувини назорат қилиш орқали истеъмол кредитлари бериш тизимининг фаол ишлашини таъминлайди.

Товар истеъмол кредитлари

Товар истеъмол кредити берувчи ташкилотлар ҳам ўз навбатида куйидаги турларга бўлинади:

Ишлаб чиқарувчи ташкилотлар — ўз маҳсулотларининг сотув ҳажмини ошириш мақсадида истеъмол кредитини (товар кредити ёки бўлиб-бўлиб тўлаш шаклида) тўғридан-тўғри харидорга тақдим этувчи корхоналардир. Масалан, маҳаллий мебел ёки маиший техника ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини ўртакашларсиз, маълум муддатга бўлиб тўлаш шарти билан сотишлари мумкин. Бунда кредит шартномаси бевосита ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасида тузилади;

Реализация қилувчи ташилотлар — булар чакана савдо дўконлари, маркетплейслар ва савдо тармоқларидир. Улар товарни ишлаб чиқарувчидан олиб, истеъмолчига етказиш жараёнида ўзларининг ички муддатли тўлов (рассрочка) тизимларини таклиф қилишади. Бундай ташкилотлар кўпинча банклар билан ҳамкорликда (интеграциялашган ҳолда) ишлайди ёки ўз айланма маблағлари ҳисобидан мижозга товарни олишига имкон яратади.

Бугунги кунда «товар истеъмол кредити» тушунчаси анча замонавийлашиб, нафақат молиявий бозорда, балки халқ тилида ҳам турли янги атамалар билан қўлланилмоқда. Ҳозирги вақтда мазкур жараён асосан «муддатли тўлов» (рассрочка) ва «BNPL» (Buy Now, Pay Later — ҳозир сотиб ол, кейин тўла) шаклларида кенг тарқалмоқда.

Товар кредитининг **муддатли тўлов** (рассрочка) шакли кўпинча сотувчи дўкон ва сотиб олувчи харидор ўртасидаги келишув асосида амалга оширилиб, товар қиймати 3, 6, 12 ойга ёки бошқа муддатларга берилади ва харидор томонидан бу муддат ичида бўлиб тўланади. Кўп ҳолларда бу хизмат «0% устама» сифатида реклама қилинса-да, амалда товарни сотувчи фойдаси товарнинг таннарни устига фойда қисми қўшилади.

Финтех соҳасидаги энг янги тренд сифатида **насия савдо** ёки **BNPL** (Buy Now, Pay Later) хизматлари ҳам турли сервислар (*Uzum Nasiya, Yandex Market*) орқали тез суръатлар билан оммалашмоқда. Унинг асосий хусусияти шундаки, ортиқча ҳужжатларсиз, фақат мобил илова орқали 5–10 дақиқа ичида лимит олиш ва товар харид қилиш мумкин. Бу усул айниқса онлайн харид қилувчилар орасида кенг тарқалган бўлиб, банкка бориш талаб этилмайди, барча жараён телефон ёки бошқа алоқа воситалари орқали бажарилади. Бу ерда банк фоизи қўлланилмайди, балки товар устига белгиланадиган **устама** назарда тутилади ва шартнома тузилаётган пайтдаёқ товарнинг якуний нархи аниқ белгилаб қўйилади.

Шу билан бирга, юқоридаги хизматларнинг қулайлиги истеъмолчиларда маълум психологик енгилликни юзага келтириб, айрим ҳолларда даромадга нисбатан ортиқча қарз олишга сабаб бўлиши мумкин. Натижада шахснинг қарз мажбуриятлари ортиб, бу ҳолат «**қарз юки**» кўпайиши сифатида намоён бўлади.

Айни пайтда истеъмол кредити бозорида ўзига хос ҳуқуқий детерминация кузатилмоқда. Яъни, ўз маҳсулотларини муддатли тўлов асосида сотувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда савдо дўконлари ва маркетплейслар каби реализация қилувчи ташкилотларнинг истеъмолчилар билан юзага келадиган кредит муносабатларини назорат қилувчи ваколатли **регулятор мавжуд эмас**. Бу эса кредит берувчи субъектларнинг ва кредит шартномаларининг **аниқ ҳисоби юритилмаслигига** олиб келмоқда. Шунингдек, онлайн шаклда насия савдога ишловчи ташкилотлар

истеъмолчининг қарз юкини баҳоламасдан уларга кредит ёки бўлиб тўлашга товар бериш ҳолатлари жуда кўп кузатилмоқда.

Сингапур Марказий банки томонидан насия бозори учун жорий қилинган чора-тадбирлар тўплами кредит қобилиятини баҳолашдан тортиб маълумотларни ошкор қилиш, маркетинг стратегиялари ва кредит маълумотларини алмашиш каби жиҳатларни қамраб олади. Бундан ташқари, кечиктирилган тўловлар бўйича рухсат этилган **чегара миқдори** (2 минг Сингапур доллари (1,5 минг АҚШ доллари)) ўрнатилган. Насия савдо провайдерларига истеъмолчилар молиявий қийинчиликка учраганда **қўшимча насия** билан боғлиқ транзакцияларни амалга оширишга йўл қўймаслик тартиби белгиланган;

Ўзбекистонда Кредит-ахборот таҳлилий маркази (КАТМ) кредит бюроси билан шартнома тузган чакана савдо корхоналари сони **307 та**ни (бундан 53 таси ЯТТ) ташкил этмоқда (2025 йил). Солиқ қўмитаси маълумотларига кўра эса **119 та** маркетплейс қўмитадан рўйхатдан ўтиб савдо фаолиятини бошлаган (2026 йилгача). Бироқ ушбу рақамлар товар истеъмол кредити берувчи ташкилотларнинг жами ҳисобини кўрсатмайди.

Шунингдек, тижорат банклари ва микромолия ташкилотларидан фарқли ўлароқ, ушбу субъектларнинг кредитлаш фаолияти ихтисослашган молиявий назоратдан ташқарида қолмоқда, бу эса соҳада ягона давлат сиёсатини юритиш, фоиз ставкаларини мувофиқлаштириш ва истеъмолчиларнинг қарз юкини марказлашган ҳолда мониторинг қилиш тизимининг назоратсиз қолдирилишига олиб келмоқда.

2. Тартибга солиш усулининг натижадорлиги кўрсаткичлари

Статистик маълумотларга кўра, **2025 йил**да банклар томонидан берилган молиявий истеъмол кредитлари ҳажми **23,1 трлн. сўм**, нобанк кредит ташкилотлари томонидан истеъмол кредитлари ҳажми **9 млрд.сўм**ни ташкил этди (3-жадвал).

3- жадвал

Т/р	Йиллар	Тақдим этилган молиявий истеъмол кредити суммаси (млрд.сўм)	
		Банклар томонидан	нобанк кредит ташкилотлари томонидан
1	2023 й.	40 148	5
2	2024 й.	18 549	16
3	2025 й.	23 153	9

Таъкидлаш жоизки, сўнгги 3 йил давомида энг оммабоп истеъмол кредитларидан **автокредитлар** ҳисобланиб, тижорат банклари ва нобанк ташкилотлар томонидан **566 минг**дан ортиқ шартномалар асосида кредитлар ажратилган. Шу билан бирга **463 минг**дан ортиқ шартномалар асосида **таълим кредитлари** ажратилган. Умуман олганда, банклар томонидан ажратилган истеъмол кредитлари ҳажмида кескин тебранишлар кузатилган

бўлса, нобанк кредит ташкилотлари сегментида нисбатан ўзгарувчан, бироқ барқарор бўлмаган ўсиш ва пасайиш жараёнлари қайд этилган.

Товар истеъмол кредити ўзгариш тенденцияси

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда насия савдоси иқтисодий муомаланинг нисбатан янги ва жадал ривожланаётган институтларидан бири сифатида шаклланимоқда. Ушбу ҳодиса, бир томондан, уй хўжаликлари истеъмол фаоллигининг ошишига, аҳолининг узоқ муддат фойдаланиладиган товарларга бўлган талабини қондиришга ҳамда ички бозор айланмасини рағбатлантиришга хизмат қилаётган ижобий иқтисодий омил сифатида намоён бўлмоқда.

Бироқ, иккинчи томондан, насия асосида харид қилиш амалиётининг кенгайиши аҳолининг реал даромадлари билан етарли даражада мувофиқлаштирилмаган ҳолда қарз мажбуриятларининг ортиб боришига, жумладан, яширин ёки норасмий қарз юкининг шаклланишига сабаб бўлиши мумкин.

Европа Кенгаши томонидан 2023 йил октябр ойида **“Истеъмол кредити тўғрисида”**ги қонуннинг янги таҳрири тасдиқланди. Мазкур қонунчилик насия савдо кредитларини ўз ичига олган ҳолда, истеъмолчиларни ортиқча қарздорликка олиб келиши мумкин бўлган қарз бериш амалиётларидан ҳимоя қилишни кучайтиришга йўналтирилган.

Швеция насия провайдерлари Швециянинг Молиявий назорат идорасидан **“Истеъмол кредити тўғрисида”**ги қонунга мувофиқ лицензия олишлари керак.

Австралия насия савдони тартибга солиш соҳасида етакчи мамлакатлардан бири бўлиб, 2023 йил май ойида мамлакат ҳукумати **“Кредит тўғрисида”**ги қонунга насия савдони тартибга солишга қаратилган ўзгартиришларни киритишни таклиф қилган. Ушбу ўзгартиришларга мувофиқ, маълумотларни ошкор қилиш талаблари кучайтирилиши ва насия савдо провайдерлари кредит лицензиясига эга бўлиши талаби белгиланмоқда.

Марказий банк томонидан ўтказилган **2025 йилги** таҳлилларга қараганда, Ўзбекистонда **Кредит-ахборот таҳлилий маркази** (КАТМ) кредит бюроси билан шартнома тузган чакана савдо корхоналари сони **307 тани** (бундан 53 таси ЯТТ) ташкил этмоқда.

Ҳудудлар кесимида мазкур корхоналарнинг 36,2 фоизи Фарғона вилоятида, 23,2 фоизи Тошкент шаҳрида, 12,6 фоизи Наманган вилоятида, 7,5 фоизи Андижон вилоятида ҳамда 5,5 фоизи Тошкент вилоятида рўйхатдан ўтган.

Иқтисодий фаолият турлари (ИФУТ-2 бўйича) кесимида КАТМ тизимига уланган корхоналарнинг **37 фоизи** маиший техника товарлари чакана савдоси, **25 фоизи** – ихтисослашмаган дўконларда бошқа товарлар чакана савдоси (бир нечта турдаги товарлар савдоси), **11 фоизи** – ахборот ва коммуникация ускуналари савдоси ҳамда **8 фоизи** мебель ва маиший жиҳозлар савдоси фаолияти билан шуғулланмоқда (2025 йил).

Таъкидлаш жоизки, **2024 йил**да юқоридаги насия ташкилотларидаги жами мижозлар сони **1,9 млн кишини** (1,1 млн эркаклар, 0,8 млн аёллар) ташкил этган.

Шу билан бирга, сўнгги **7 йилда** бўлиб тўлаш сегментининг жадал ривожланиши фонида насия савдо ташкилотлари томонидан жалб қилинган банк кредити маблағлари ҳажми 2018-йилдаги **22,3 млрд сўмдан** 2024 йилда **1 169,8 млрд сўмгача** ёки **52 баробарга** ошди.

Марказий банк томонидан ўтказилган таҳлилларга кўра, 2023-2024 йилларда насия савдо корхоналари билан тузилган шартномалар сони 2023 йил февраль ойидаги 13,5 мингдан 2024 йил декабрь ойида 973 минггача ошди (72,6 баробар) ва мазкур даврда ўртача шартнома миқдори барқарор 1,2 млн сўм атрофида шаклланиб келган.

Шу билан бирга, 2024 йилда бир кишига **3 та шартнома** тўғри келган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич **2 тани** ташкил этган. Насия истеъмолчиларининг 52,1 фоизиди (971 минг киши) 1 та насия шартномаси, 17,7 фоизиди (330 минг киши) – 2 та шартнома расмийлаштирилган бўлса, 4,4 фоизиди ёки 82 минг кишида 10 та шартномадан кўпроқ. Қайд этиш керакки, ушбу рақамлар аҳоли истеъмолининг тобора қарз маблағлари ҳисобига шаклланаётганини ва келгусида тўлов қобилияти билан боғлиқ хавфлар сақланиб қолаётганини англатади.

3. Тартибга солиш усулининг ижобий ва салбий оқибатлари

Ижобий оқибатлар

1. Аҳоли учун моддий эҳтиёжларни тезроқ қондириш имконияти мавжуд.

Истеъмол кредити аҳолининг моддий эҳтиёжларини қондириш имкониятларининг тезлаштиришда муҳим иқтисодий ва ижтимоий восита сифатида намоён бўлади. У жисмоний шахсларга уй-жой жиҳозлари, маиший техника ёки автомобилларни узоқ вақт давомида пул йиғиб юрмасдан, дарҳол харид қилиш имкониятини яратади. Бу эса оилаларнинг кундалик турмуш шароитларини **тезроқ яхшилашга** ва **қулайлик даражасини оширишга** хизмат қилади. Масалан, зарур маиший техника ёки транспорт воситасига эга бўлиш иш унумдорлигини оширади, вақт тежалишига ва ҳаёт тарзининг энгиллашишига олиб келади.

2. Кредиторларнинг молиявий ривожланишга олиб келмоқда.

Истеъмол кредити бериш бутун мамлакат иқтисодиёти учун занжирсимон реакция берувчи кучли **драйвер** вазифасини ўтайди. Истеъмол кредити тизими ривожланган сари, аҳолининг харид қобилияти сунъий равишда эмас, балки келажакдаги даромадлар ҳисобига кенгаяди, бу эса бозордаги товар ва хизматларга бўлган ялпи талабнинг кескин ортишига олиб келади. Талабнинг бундай ўсиши ишлаб чиқариш корхоналарини ўз

фаолиятини кенгайтиришга, янги технологияларни жорий этишга ва маҳсулот ҳажмини оширишга ундайди. Истеъмол кредити бериш амалиёти аҳолининг жорий даромадлари ва кутилаётган келажакдаги даромадлари ўртасидаги вақтинчалик номуносибликни бартараф этади. Яъни, субъект келажакдаги капиталини бугунги истеъмолга трансформация қилади. Молиявий истеъмол кредити берувчи ташкилотлар учун истеъмол кредити бу **активлар диверсификацияси** демакдир. Бу эса бозор конъюнктурасида товар захираларининг тез айланишига ва иқтисодиётда пул массасининг айланиш тезлигига (velocity of money) ижобий таъсир ўтказади.

Салбий оқибатлар

1. Қарз юки ҳисобламаслиги аҳолининг қарз юки миқдори ошишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонда 2024 йил 1 июлдан бошлаб қарз юки кўрсаткичини жорий этиш орқали аҳолига кредит бериш талабларига ўзгартириш киритилган (рўйхат рақами **3618**). Агар қарз олувчи даромадининг **60 фоизини** қарзни тўлаш учун ишлатса, банклар кредит беришдан бош тортишлари керак. Шу билан бирга, 2025 йил 1 январдан бошлаб бу кўрсаткич **50 фоиз**гача қисқартирилди.

Марказий банк томонидан аҳолининг қарз юки кўрсаткичини жорий этилган, у ўртача кредит тўловларининг қарз олувчининг ўртача ойлик даромадига нисбати орқали ҳисобланади.

Қарз юки кўрсаткичи — бу қарз олувчи ўртача ойлик даромадининг солиқлар чегириб ташланган, барча мавжуд кредитлари ва қарзлари бўйича шартнома тўловларини амалга ошириш учун зарур бўлган улуши ҳисобланади.

Паст ҚЮК қиймати қарз олувчининг даромадлари ва харажатлари баланси мавжуд кредитлар бўйича тўловларни ўз вақтида тўлашга имкон беришини кўрсатади. Юқори даража эса ортиқча қарзни билдиради, яъни қарз олувчи ҳар ой даромадининг асосий қисмини қарзни тўлашга сарфлашга мажбур бўлади.

Аммо мазкур тартиб қонун билан белгиланмаганлиги, ушбу тартибга риоя қилишнинг ижроси паст эканлиги кўрсатмоқда.

Белорус, Украина, Россия, Қирғиз Республикаси, Словакия, Молдова, Польша каби давлатларнинг истеъмол кредитлари бўйича қонунчилигида қарз юкини ҳисоблаш мажбурияти ва тартиби белгилаб қўйилган.

Жумладан, Марказий банк томонидан биргина 2025 йилнинг ўзида 17 та банк, 7 та микромолия ташкилоти ва 1 та ломбардда қарз олувчи жисмоний шахсларнинг қарз юкини тартибга солишга оид алоҳида масалалар юзасидан жами 27 та инспекциялар ўтказилган.

Ўтказилган инспекция жараёнида **37 мингдан ортиқ** ҳолатда қарз олувчиларнинг қарз юки кўрсаткичи белгиланган меъёрдан ошиқча бўлса-да кредитлар ажратилганлиги, **106 мингдан ортиқ** ҳолатда қарз юки кўрсаткичи

ҳисоб-китоблари нотўғри ҳисобланганлиги ва **7 мингдан ортиқ** ҳолатда қарз юки кўрсаткичлари умуман ҳисобланмасдан кредитлар ажратилганлиги аниқланган. Шу билан бирга, 7 та банкда жисмоний шахсларга кредитлар ажратилишида қарз юки ҳисобланмаслиги ёки инобатга олинмаслиги бўйича белгиланган меъёрга амал қилинмаганлиги маълум бўлган.

Юқоридаги рақамлар қарз юкини ҳисоблаш мажбуриятини қонун билан белгилаш заруратини кўрсатади.

2. Кредиторлар рекламаларда алдов ва чалғитишлар билан кредитлар тақдим этмоқда.

Рекламаларнинг ҳаққонийлигини ва шартнома шартларида фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилмаслиги **Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси** томонидан назорат қилинади.

Хусусан, қўмита томонидан **2023–2025 йиллар** давомида истеъмол кредитлари берувчи **25 та** ташкилот, жумладан банклар, тўлов ва микромолия ташкилотлари ҳамда муддатли тўловга товар сотувчи субъектлар томонидан реклама ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилганлиги ҳолатлари аниқланган. Мазкур ҳолатлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сонли қарорига мувофиқ белгиланган тартибда ишлар қўзғатилиб, уларга нисбатан тегишли чоралар, жумладан кўрсатмалар бериш ва жарималар қўллаш орқали таъсир чоралари кўрилган.

*Хаттоки, қўшни **Қирғиз Республикасининг** 28 октябр 2025 йилда қабул қилинган “Истеъмол кредити тўғрисида”ги қонунда алдов йўлидаги реклама учун кредит берувчиларга жавобгарликни зиммасига олиш бўйича мажбурият юкланган.*

Шунингдек, сўнгги **уч йил** давомида Қўмитага истеъмолчилардан жами **10 мингдан ортиқ** мурожаат келиб тушган. Уларни кўриб чиқиш натижасида истеъмолчилар фойдасига **99,6 млрд сўм** маблағни қайта ҳисоб-китоб қилиш таъминланган. Мазкур мурожаатларнинг **3 599 таси** молиявий хизматлар (банк, тўлов тизимлари, микрокредит ва ломбардлар), **2 235 таси** муддатли тўлов шартномалари ва тўловлар, **5 166 таси** эса муддатли тўлов ва онлайн харидлар доирасида савдо қоидалари бузилиши билан боғлиқ масалаларга тааллуқли бўлган.

***Украина, Арманистон, Молдова, Беларус** давлатлари қонунларида алоҳида модда билан белгиланган. Жумладан, **Украина** қонунчилигига кўра, кредит “**фоизсиз**” ёхуд “**0% кредит**” остида берилиши ҳақидаги, шунингдек мазмунан ва моҳиятан шунга ўхшаши маълумотларни кўрсатиши тақиқланади.*

3. Аҳоли учун қарз юкининг ошиши кузатилмоқда.

Истеъмол кредити олишнинг салбий жиҳатларидан бири — кредит бўйича фоиз ставкалари, банк комиссиялари ва турли қўшимча тўловлар

сабабли хариднинг умумий қиймати сезиларли даражада ошиб кетишидир. Дастлаб қулай ва арзон бўлиб туюлган кредит шартлари амалда узоқ муддат давомида **катта молиявий юкни** юзага келтиради. Натижада, истеъмолчи асл нархдан анча юқори суммани тўлашга мажбур бўлади, бу эса истеъмолчининг бюджетига қўшимча юклама келтириб чиқаради ва бошқа зарур эҳтиёжлар учун ажратиладиган маблағларни қисқартиради. Фуқароларнинг ўз молиявий имкониятларини етарлича баҳоламасдан кредит олиши натижасида **ортиқча қарздорликка** тушиб қолиш хавфидир. Агар даромад манбалари барқарор бўлмаса ёки кутилмаган ҳолатлар, масалан, иш ўрнининг йўқолиши, соғлиқ билан боғлиқ муаммолар юзага келса, кредит мажбуриятларини ўз вақтида бажариш қийинлашади. Бу ҳолат жарима ва пеня қўлланилишига, суд жараёнларига ҳамда фуқаронинг кредит тарихининг ёмонлашишига олиб келиши мумкин, бу эса келгусида молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кескин чеклайди.

Қарз юки динамикаси таҳлили шуни кўрсатадики, **2026 йил 1 январ** ҳолатига жисмоний шахслар бўйича муаммоли кредитлар қолдиғи **1,2 трлн. сўм**дан ортиқни ташкил этган. Мазкур кўрсаткич 2024 йилнинг шу даврига нисбатан кескин ошиб, икки йил ичида қарийб **5 баробарга** қўпайган бўлиб, ўша вақтда муаммоли кредитлар ҳажми **347 млрд. сўм** атрофида бўлган. Бу эса жисмоний шахслар қарз юкининг сезиларли даражада ортиб бораётганини кўрсатади.

Суд томонидан **ундирилган** истеъмол кредити тўловлари (молиявий ва товар кредитлари) сони 2024 йилда **429 806 тани** ташкил этган бўлса, 2025 йилда **833 775 тага** етган ва натижада мазкур кўрсаткич бир йил давомида **94 фоизга** ошгани кузатилган. Бу эса кредит олувчилар томонидан қарз мажбуриятларини ўз вақтида бажариш билан боғлиқ муаммолар ортиб бораётганини кўрсатади.

4. Фуқароларнинг кредит олиш бўйича ўйламасдан қарор қабул қилишига олиб келмоқда.

Истеъмол кредитларининг тез ва соддалаштирилган тартибда расмийлаштирилиши айрим ҳолларда масъулиятсиз ва **ўйламасдан қарор қабул қилишга** сабаб бўлади. Реклама ва қулай таклифлар таъсирида фуқаролар реал эҳтиёж бўлмаган товар ва хизматлар учун ҳам қарзга кириб қолишлари мумкин. Бундай импульсив харидлар узоқ муддатда молиявий мувозанатни бузади, доимий қарздорлик ҳолатини келтириб чиқаради. Катта қарздорликнинг мавжудлиги эса яқунда инсонда **босим, стресс** ва **психологик тушқунлик** ҳолатларининг кучайишига олиб келиши мумкин.

Шартнома имзолангандан сўнг, маблағлар дарҳол эмас, балки маълум муддат ўтгандан сўнг ўтказилиши қарз олувчига вазиятни хотиржамлик билан кўриб чиқиш ва зарур бўлганда кредитни бекор қилиш учун вақт бериш

амалиётини жорий этиш лозим. Бу масофавий (онлайн) шаклда олинган истеъмол кредитларини қайтадан текшириш, ва турли хил молиявий фирибгарликларни (мисол учун, бошқа шахслар томонидан фирибгарлик йўли билан кредит олинганда) олдини олиш имконини беради.

*Россия Федерациясида истеъмол кредити шартномаси бўйича пул маблағлари кредит суммасига қараб камида **4 соат** ёки **48 соат ўтгач** берилади. Мазкур талаблар кредит суммаси ёки кредит лимити оширилган ҳолларда ҳам қўлланилади. Кредит ёки микромолия ташкилоти қарз олувчини пул маблағлари берилиш муддати ҳамда кредитдан воз кечиш ҳуқуқи ҳақида ёзма шаклда хабардор қилиш шартлиги белгиланган.*

*Буюк Британияда қарз олувчи тартибга солинадиган истеъмол кредити шартномасидан ҳеч қандай сабаб кўрсатмасдан **14 кун** ичида воз кечиш ҳуқуқига (cooling-off period) эга. Бу норма қарз олувчига мажбуриятни онгли равишда баҳолаш имконини беради.*

*Қозғистонда интернет орқали тузилган, мол-мулк гарови билан таъминланмаган истеъмол кредити бўйича пул маблағлари шартнома имзоланган пайтдан бошлаб камида **24 соат ўтгач** берилади.*

Шунингдек, ушбу қоида истеъмолчиларнинг импульсив қарорлар қабул қилиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган ортиқча қарздорлик юкининг олдини олишга хизмат қилади. Амалиётда мижозлар кўпинча агрессив маркетинг ёки шошилиш эҳтиёж таъсирида ўз тўлов қобилиятларини етарлича таҳлил қилмасдан кредит мажбуриятларини зиммаларига оладилар.

5. “Истеъмол кредити тўғрисида”ги қонунда бир қанча ҳуқуқий муаммо ва бўшлиқлар мавжуд.

Қонунда белгиланган нормалар бугунги давр талаби бўйича таққослаганда бирмунча эскирган. Жумладан, Қонунда унинг асосий тушунчалари, принциплари белгиланмаган. Шунингдек, халқаро қонунчилик билан таққослаганда қуйидаги **муаммо ва камчиликлар** мавжуд:

- кунлик фоиз лимити йўқлиги қарз юкини оширмоқда;
- кредит берувчи ташкилот истеъмолчининг қарз юкини ҳисоблаш мажбурияти ва тартибини белгиланмаган;
- рекламада яширин фоиз ва қўшимча тўловлар аҳолини чалғитишини олдини олиш бўйича механизмлар қонунда белгилаб берилмаган;
- кредит берувчи ташкилотлар томонидан кредит бюроларига қарз олувчи маълумотларини тақдим этиш шартларини белгиланмаган;
- товар истеъмол кредити берилганда устама асосида бериш амалиёти белгиланмаган;
- истеъмолчиларга ахборот хатини тақдим этиш лозимлиги бўйича кредит берувчига мажбурият белгиланмаганлиги кредит мижозларни чалғитилиши ва рискларни ошишига олиб келмоқда;

- ҳозирда истеъмол кредитлаш масофавий (онлайн) шаклга ўтган бўлса-да, қонунда етарлича тартибга солилмаган;
- товар истеъмол кредитида учинчи шахсларнинг иштироки (*товарни сотувчи ёки реализация қилувчи ташиқлотлар*) доирасида уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари чғараси аниқ белгиланмаган;
- кредит олишда амалда қонунда мавжуд ҳужжатлар талаб этилмайди (рақамлаштирилган) ва бошқалар.

4. Тартибга солиш усулининг самарадорлиги (иқтисодий таҳлили)

Тартибга солиш усулининг самарадорлиги иқтисодий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, тартибга солиш усули томонларга бир қанча фойда ва харажатлар олиб келади.

Истеъмолчилар (*яъни, жисмоний шахслар*) товарлар, ишлар ва хизматлар учун пул ёки товар кўринишида кредит олиш орқали зарур эҳтиёжларни дарҳол қондириш имконига эга бўладилар. Бу улар учун ҳаёт сифатини тезроқ яхшилаш ва турмуш шартларини янада тезроқ қулайлаштириш имконини яратади. Бироқ, бу жараёнда асосий суммадан ташқари фоизлар, комиссия ва қўшимча тўловлар каби харажатлар пайдо бўлади, шунингдек, кредит олиш қарздорлик ва молиявий юкни ҳам олиб келиши мумкин. Шу сабабли, истеъмолчилар учун кредит олишнинг ижобий таъсири бор, аммо қисман салбий оқибатлар ҳам мавжуд. Бу эса ўз навбатида фуқароларнинг қарз юки ошиб кетиши билан асосланади.

Жумладан, 2026 йил 1 январ ҳолатига кўра, жисмоний шахсларнинг кредит портфелидаги жами муаммоли кредитлари қолдиғи **6 трлн.** сўмга яқинлашди. Шундан истеъмол кредитлари улуши **1,2 трлн.** сўмдан ошиқни ташкил қилмоқда (*4-жадвал*).

4- жадвал

Т/р	Йиллар	Жисмоний шахсларнинг муаммоли кредитлари қолдиғи (<i>млрд.сўм</i>)	
		жами суммаси	улардан, истеъмол кредитлари суммаси
1	01.01.2024 й. ҳолатига	2 547	347
2	01.01.2025 й. ҳолатига	5 364	1 597
3	01.01.2026 й. ҳолатига	6 000	1 224

Бу эса аҳоли учун катта қарз юки мавжудлигини кўрсатади. Қарз юкини ошиб кетишини олдини олишнинг йўлларида бири бу қонун билан максимал кунлик фоиз ставкасини белгилашдир.

Таъкидлаш жоизки, **Қирғиз Республикасининг** 2025 йилда қабул қилинган “Истеъмол кредитлари тўғрисида”ги Қонунида (2025 йил 28 октябр, № 237) истеъмол кредити бўйича фоиз ставкасига **кунлик максимал миқдор** белгиланган. Жумладан, ушбу қонуннинг 8-моддасида истеъмол кредити бўйича максимал фоиз ставкаси бир кунда 0,08 фоиздан ошмаслиги керак.

Бундан ташқари, **Россия**нинг “Истеъмол кредитлари тўғрисида” деб номланган Қонунида (2013 йил 21 декабр, № 353) истеъмол кредити бўйича кунлик фоиз ставкасига максимал миқдор белгиланган. Жумладан, ушбу қонуннинг 5-моддаси 23-бандида истеъмол кредити бўйича **максимал фоиз ставкаси** бир кунда 0,8 фоиздан ошмаслиги керак.

Бундан ташқари, **Украина**да 2016 йилда қабул қилинган Истеъмол кредитлари тўғрисидаги қонуннинг 8 моддасида **йиллик ва кунлик максимал фоиз ставкаси** белгилаб қўйилган.

Кредит берувчи ташкилотлар эса товарлар, ишлар ва хизматлар учун пул ёки товар кўринишида кредит бериш орқали фоизлар ва бошқа тўловлар эвазига даромад олиш имкониятига эга бўладилар. Бу уларнинг молиявий самарадорлигини оширади ва бозордаги улушини кенгайтиради. Шу билан бирга, улар учун кредит бериш жараёнида молиявий риск ва пулни вақтинча йўқотишлар, шунингдек реклама ва маркетинг харажатлари ҳам юзага келади. Шундай бўлса-да, одатда бу жараён кредит берувчи ташкилотлар учун умумий самарали ва ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистондаги насия бозоридаги ҳолатни ўрганиш ва уни банк кредити билан қиёслаш мақсадида энг оммабоп электроник товарлардан бири сифатида **iPhone 17 Pro Max (256 GB)** мобил телефони танлаб олиниб, мазкур товарнинг маиший техника дўконларидаги нархлари, бўлиб тўлаш шартлари бўйича нарх шаклланиши ва уларга қўшимча устамаларнинг қандай қўшилиши, шунингдек, ушбу товарнинг банк кредитига тўғри келадиган фоиз ставкалари ўрганилди.

Ҳозирги кунда товарни бўлиб тўлашга берувчи савдо корхоналаридан бири “Mediapark”да iPhone 17 Pro Max смартфонининг 256 GB хотирага эга Silver (кумушранг) талқини **20 999 000 сўм** нақд нархда таклиф этилмоқда. Ушбу қурилмани бирйўла сотиб олиш имконияти бўлмаган харидорлар учун **Uzum Nasiya** хизмати орқали бўлиб тўлашга бериш имконияти тақдим этилган. Мазкур шартларга кўра, мижоз смартфонни 12 ой давомида ҳар ой 2 362 387 сўмдан тўлаб бориш эвазига харид қилиши мумкин. Бу эса бир йил якунида қурилманинг **умумий таннархи** 28 348 644 сўмга айланишини аңлатади.

Агар ушбу муддатли тўлов шартларини таҳлил қиладиган бўлсак, маҳсулотнинг нақд нархи ва насия савдодаги жами суммаси ўртасидаги фарқ **7 349 644 сўм**ни ташкил этади. Бу кўрсаткич асосий сумманинг **35 %** миқдоридаги йиллик устама билан сотилаётганидан далолат беради.

Ушбу таклифни Ўзбекистон молия бозоридаги банк фоизлари билан таққослаганда, ўзига хос **фарқлар**ни кўриш мумкин. Бугунги кунда аксарият тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган истеъмол кредитлари **ўртача 26%** дан **30%** гача бўлган ставкаларда тебранмоқда. Демак, Uzum Nasiya

орқали расмийлаштирилган iPhone 17 Pro Max хариди анъанавий банк кредитига қараганда тахминан **5%** дан **9%** гача **юқорирок устамага** эга. Бошқа насия ташкилотларида (*Alif nasiya, Open, Variant, IMAN*) ҳам бу фарқ банкларга қараганда 5-15 % гача юқорирок эканлиги кўринмоқда.

Шунга қарамай, банклардаги мураккаб ҳужжатбозлик, кафиллик талаблари ва узоқ вақт талаб этувчи жараёнларни ҳисобга олган ҳолда, кўплаб харидорлар тезкор ва осон расмийлаштириладиган насия савдо вариантыни афзал кўрмоқдалар.

Манфаатдор томонлар	Тартибга солиш усули	Фойда	Харажат
Савдо ташкilotлари воситасида тўлов ташкilotлари	Устама ҳисобига товарни бўлиб тўлашга бериш	Ўртача 35-45 % қўшиладиган устама	Банклардан жалб қилинган кредит маблағлари
Тижорат банклари (нобанк)	Фоиз ҳисобига товарни сотиб олиш учун пул кўринишида кредит бериш	Ўртача 26-30 % миқдорида молиявий истеъмол кредити	Молиявий риск ва маблағни вақтинча йўқотишлар, реклама ва маркетинг харажатлари

Юқоридаги таҳлилларга асосланиб, аҳолининг қарз юкини ҳаддан ортиқ ошиб кетишини олдини олиш мақсадида насия савдо ташкилотларининг қўшаётган устамалари миқдорида максимал лимит ўрнатиш имкониятини кўриб чиқиш лозим.

5. ТСТБ ҳисоботи муҳокамадан ўтказилганлиги тўғрисида маълумот

ТСТБ ҳисоботи жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш мақсадида Адлия вазирлиги расмий сайтига/ телеграм каналига (ҳавола) жойлаштирилди.

Жамоатчилик муҳокамаси 2026 йилнинг 10 сентябридан 20 сентябригача давом этди ва таклиф ва эътирозлар келиб тушмади.

6. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни баҳолашга имкон берадиган бошқа маълумотлар

Баҳолашга имкон берадиган бошқа маълумотлар мавжуд эмас.

7. Хулоса

Таҳлил натижаларига кўра, истеъмол кредитларини беришни назарда тутувчи тартибга солиш усули амалда самарали ишламоқда ва белгиланган мақсадларга мос келади. Аммо, таҳлил давомида бир қанча салбий таъсир ва оқибатлар аниқланган. Шўни инобатга олган ҳолда, мазкур тартибга солиш

усулини амалда сақлаб қолган ҳолда мавжуд муаммоли масалаларни ҳал этиш лозим.

Таҳлил натижалари асосида истеъмол кредити бериш соҳасини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар **таклиф этилади:**

1. Товар истеъмол кредити муносабатларида учинчи шахслар иштирокини тўлиқ ҳуқуқий тартибга солиш, яъни сотувчи/реализация қилувчи ташкилотнинг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда кредитор билан жавобгарликни аниқ белгилаш зарур. Шу орқали уч томонлама муносабатлардаги ноаниқликлар бартараф этилади.

2. Қарз юкини ҳисоблаш мажбуриятини қонун даражасида мустақкамлаш, уни барча кредит ташкилотлари учун ягона ва мажбурий стандарт сифатида жорий этиш ҳамда ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги устидан Марказий банк назоратини кучайтириш лозим.

3. Реклама ва шартнома муносабатларида истеъмолчилар ҳуқуқларини бузган ҳолатлар учун жавобгарликни кучайтириш, реклама мазмунига нисбатан аниқ талаблар ва олдиндан текширув механизмларини жорий этиш ҳамда мурожаатларни тезкор кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш зарур.

4. Ортиқча қарздорликни камайтириш мақсадида кредит беришда тўловга лаёқатни баҳолаш мезонларини қатъийлаштириш, муаммоли кредитлар бўйича эрта огоҳлантириш ва реструктуризация механизмларини кенгайтириш керак.

5. Импульсив қарорлар асосида кредит олишни камайтириш мақсадида “совиш даври” (cooling-off period) амалиётини жорий этиш. Яъни кредит маблағларини дарҳол эмас, маълум муддатдан кейин ажратиш ҳамда истеъмолчининг шартномадан осон воз кечиш ҳуқуқини қонуний кафолатлаш даркор.

6. Амалдаги қонунчиликда мавжуд бўшлиқ жойларни тўлдириш чораларини кўриб чиқиш, жумладан, асосий тушунча ва принципларни аниқлаш, масофавий кредитлаш, талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиш, товар истеъмол кредити ва замонавий рақамли кредит хизматларини тўлиқ ҳуқуқий тартибга солиш зарур.